



AN ANALYSIS OF THE SPECIAL LEGAL FOUNDATIONS DEFINING OFFENSE PREVENTION

Tillayev Ikrom Rustamjonovich

Independent Researcher, Criminological Research Institute of the
Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814599>

ARTICLE INFO

Received: 22nd February 2026

Accepted: 27th February 2026

Online: 28th February 2026

KEYWORDS

Offense prevention, special legal foundations, regulatory legal acts, Presidential decrees, resolutions of the Cabinet of Ministers, prevention inspector, mahalla security, digital information systems, victimological prevention, cybercrime, legal reforms.

ABSTRACT

This article provides a scientific analysis of the system of special legal foundations that ensure the prevention of offenses. While clarifying the essence of special legal documents, the author emphasizes their crucial role in implementing offense prevention, consistently executing state policy, and coordinating the activities of authorized bodies. The study analyzes Presidential decrees and resolutions, documents of the Cabinet of Ministers, orders of the Ministry of Internal Affairs, and sectoral regulatory legal acts, highlighting their role and sphere of influence in the field of prevention. Specifically, it analyzes the initiatives for creating a safe environment at the mahalla level, improving the activities of prevention inspectors, and introducing digital information systems ("E-Social Prevention," "Smart Mahalla") based on Decrees PF-6196, PF-27, and Resolutions PQ-1 and No. 801. The author scientifically demonstrates that the Law "On the Prevention of Offenses" is not fully harmonized with current legal reforms and does not adequately cover new threats such as cybercrime, radicalism, juvenile delinquency, and information security. The necessity of strengthening victimological and social prevention mechanisms is also stressed. The article puts forward scientific proposals and recommendations for updating the current legal foundations, ensuring consistency among sectoral documents, and increasing the effectiveness of preventive activities. The research findings serve to improve the legal framework for offense prevention and ensure public safety.

**ЎҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ
МАХСУС ЎҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Тиллаев Икром Рустамжонович



Ўзбекистон Республикаси Криминологик тадқиқотлар институти мустақил
изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18814599>

ARTICLE INFO

Received: 22nd February 2026

Accepted: 27th February 2026

Online: 28th February 2026

KEYWORDS

Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси, махсус
ҳуқуқий асослар, норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар,
Президент фармонлари,
Вазирлар Маҳкамаси
қарорлари, профилактика
инспектори, маҳалла
хавфсизлиги, рақамли
ахборот тизимлари,
виктимологик
профилактика,
кибержиноятчилик,
ҳуқуқий ислоҳотлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминловчи махсус ҳуқуқий асослар тизими илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф махсус ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини ёритар экан, улар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, давлат сиёсатини изчил жорий этиш ҳамда ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлайди. Тадқиқотда Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатлари, Ички ишлар вазирлиги буйруқлари ҳамда соҳавий меъёрий-ҳуқуқий актлар таҳлил қилиниб, уларнинг профилактика соҳасидаги роли ва таъсир доираси ёритилган. Хусусан, ПФ-6196, ПФ-27, ПҚ-1 ва 801-сонли қарорлар асосида маҳалла даражасида хавфсиз муҳит яратиш, профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш, рақамли ахборот тизимларини ("E-ijtimoiy profilaktika", "Smart maҳalла") амалиётга жорий этиш йўналишлари таҳлил этилган. Муаллиф "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонун амалдаги ҳуқуқий ислоҳотлар билан тўлиқ уйғунлашмаганини, кибержиноятлар, радикализм, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар, ахборот хавфсизлиги каби янги таҳдидлар етарли даражада қамраб олинмаганини илмий асосда кўрсатиб берган. Шунингдек, виктимологик ва ижтимоий профилактика механизмларини кучайтириш зарурати таъкидланган. Мақолада амалдаги ҳуқуқий асосларни янгилаш, соҳавий ҳужжатлар ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш ҳамда профилактик фаолият самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Тадқиқот натижалари ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий



базасини такомиллаштириш ва жамият хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Махсус ҳуқуқий ҳужжатлар — бу бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган, давлат сиёсатини амалга ошириш, ваколатли органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва тартибга солишга хизмат қиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардир. Улар профилактика соҳасидаги аниқ йўналишлар ва чора-тадбирларни белгилайди.

Махсус ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагилар киради:

1. Президент фармон ва қарорлари

Бу ҳужжатлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган давлат сиёсатининг стратегик йўналишларини белгилайди. Масалан:

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармонда:

1) Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг

мутлақо янги механизмлари: а) жиноятчиликнинг муаммоларни бевосита жойларнинг ўзида ҳал этиш; б) ҳамкорликда «жиноят ўчоқлари»ни бартараф этиш учун барча зарур куч ва воситаларни жалб қилиш; в) «республика — вилоят — туман — маҳалла» тизими асосида яхлит бошқарув ва узлуксиз назорат қилиш механизмларини жорий этиш ва мувофиқлаштириш; г) ички ишлар органлари ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш ҳамда соҳани тўлиқ рақамлаштиришга эришиш кабилар белгиланди.

2) Ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари босқичма-босқич ташкил этиш ҳамда уларга маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этиш вазифаси профилактика инспекторига юкланади.

3) Профилактика инспекторига масофадан туриб мурожаат юбориш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш, профилактика инспекторлари ва сектор раҳбарлари фаолиятига баҳо бериш имконини берувчи «Smart



маҳалла» ахборот дастури ишлаб чиқилган.

4) Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг, вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари — Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи лавозими жорий этилди ва унинг асосий вазифалари белгиланди.

5) Ички ишлар органлари тизимини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «йўл харита») ишлаб чиқилди ва унинг асосий йўналишлари этиб замонавий таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий ўзгартиришларни амалга ошириш; маънавий-маърифий ишларнинг самарали механизмларини жорий этиш, шунингдек, малакали кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратиш; ички ишлар органлари фаолиятига рақамли ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш; ички ишлар органлари ходимлари ва улар оила аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини ҳамда маиший шароитларини яхшилаш белгиланди.

ПФ-6196-сон фармон ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақат ички ишлар тизими фаолияти эмас, балки бошқа идоралар, фуқаролик жамияти ва маҳалла институти иштирокидаги комплекс, замонавий ва жамиятга ёндошган тизим сифатида шакллантиришга йўналтирилган. Бу эса узоқ муддатли самарали

профилактикани таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 29 ноябрдаги “Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сонли Фармонига асосан:

1) Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги департаменти ташкил этилди ва қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, комплекс таҳлил қилиш ҳамда уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил этиш, жамоат жойларида аҳолининг хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари куч ва воситаларини самарали бошқариш чораларини кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолиятини таъминлаш, профилактик ҳисоб ва маъмурий назоратдаги шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар, айниқса уларнинг уюлмаган қисми билан манзилли тарбиявий ва профилактик чора-тадбирларни самарали ташкил этиш орқали улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш, транспорт воситасини бошқаришга доир



чекловларга риоя этилишини назорат қилиш;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этишни таъминлаш, пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини назорат қилиш, ижтимоий мослаштириш ва қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этиш.

2) Маҳаллада жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган вазифалар 22 тага мақбуллаштирилди.

3) Профилактика инспекторларининг худудда, хусусан шаҳар ва қишлоқ шароитида фаолият олиб бориши бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи моделлар амалиётга жорий этилди.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1-сон қарорида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл омилларини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан манзилли бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида белгиланди.

«Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш» устувор вазифа этиб белгиланди ва қуйидаги ишлаш механизмлари жорий этилди:

2024 йилда жиноят содир этилган ҳар бир маҳаллада криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда жиноятларни барвақт профилактика қилишнинг маҳаллалар кесимида чораклик манзилли чоратадбирларини белгиланган ҳолда маҳалла - туман - вилоят даражасида унинг ижроси учун бевосита масъул раҳбарларни бириктириш ва аниқ соҳавий жавобгарликни юклаш;

криминоген вазият оғир маҳаллаларда илмий-амалий ёндашувлар асосида жойларга чиққан ҳолда мақсадли ўрганишларни ўтказиш орқали ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган асл омилларни аниқлаш ва барҳам бериш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чораларни кўриш; маҳаллаларда ёшлар, аёллар ва ишсизлар томонидан, шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишда «маҳалла еттилиги» ҳар бир вакилининг аниқ масъулиятини белгилаш, ушбу тоифадаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига янгича иш услубларини татбиқ қилиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари,



нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этиб бориш;

маҳаллалар жамоат жойлари ва яшаш хонадонларида хавфсиз муҳит яратиш, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига ҳар қандай тажовузларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий рақамли технологиялар ва техник воситаларни кенг жорий этиш;

маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш бўйича ҳар бир масъул идора ва муассаса томонидан амалга ошириладиган чоратадбирларнинг натижалари юзасидан қатъий сўров тизимини йўлга қўйиш ҳамда ушбу масалага масъулиятсизлик билан ёндашган раҳбарларга таъсир чораларини кўриб бориш.

ҳуқуқ-тартибот идораларининг илмий ташкилот ва таълим муассасалари томонидан жиноят содир этилган маҳаллаларда белгиланган тартибда илмий ёндашувлар асосида ўрганишлар ўтказилиши белгиланди;

вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида хизмат олиб борувчи ички ишлар органлари профилактика кичик инспектори лавозимини киритишди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий қамоққа олиш жазоси қўлланган шахсларни махсус қабулхоналарга олиб бориш вазифасини амалга оширувчи туманлараро маъмурий конвой гуруҳларини;

ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари

ҳисобидан маъмурий амалиёт гуруҳлари фаолиятини йўлга қўйилди;

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизимини «E-ma'muriy ish» ахборот тизимига интеграция қилиниб ижтимоий профилактика тадбирлари амалга ошириладиган шахсларга нисбатан автоматик тарзда хулоса шакллантириш йўлга қўйилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 801-сонли қарорига мувофиқ «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида ҳар бир маҳаллада муаммоларни жойида аниқлаб, комплекс ёндашув асосида ҳал этиш механизмлари сифатида қуйидагилар жорий этилди:

ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишни рақамлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан «E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизими жорий этилди;

маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспектори жамоатчилик асосида фаолият юритадиган «маҳалла еттилиги»ни ташкил қилинди;

ҳуқуқбузарлик содир этиш ва ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва



бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш (кейинги ўринларда - ижтимоий профилактика тадбирлари) бўйича давлат органлари ва ташкилотлари билан электрон ахборот алмашиш тизимини йўлга қўйилди;

“Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга ошириш тартиби белгиланди;

маҳаллаларда ижтимоий профилактика тадбирларининг тўлиқ, изчил ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида «маҳалла еттилиги»га ҳамда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишга кўмаклашувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотларига «E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизимидан фойдаланиш имкониятини яратилди;

«E-ijtimoiy profilaktika» ахборот тизимини Маҳалланинг ягона платформаси билан интеграция қилган ҳолда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон ахборот алмашинувини тўлиқ йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғида муаммолар биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими ҳамда профилактика инспекторлари вазифалари ўзгарган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғида муаммолар биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг амалга ошириш тартиби ва шартлари белгиланган бўлиб, ижтимоий профилактика фаолиятини амалга ошириш тартиби белгиланманан. Шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси институтционал ўзгаришлар инobatга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1сон қарорига мувофиқ қуйидагилар тасдиқланди:

2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури;

Маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ҳамда янгича ёндашувлар асосида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизимини ташкил этиш бўйича вилоят даражасидаги манзилли чора-тадбирларнинг намунавий «йўл харитаси»;

Туман (шаҳар) маҳаллаларида криминоген вазиятни



барқарорлаштириш ҳамда
ҳуқуқбузарликларнинг барвақт
олдини олиш тизимининг
самарадорлигини ошириш бўйича
манзилли чора-тадбирларнинг
намунавий «йўл харитаси»;

Маҳаллада
ҳуқуқбузарликларнинг барвақт
профилактикасини таъминлаш
бўйича манзилли чора-
тадбирларнинг намунавий «йўл
харитаси»;

2025 йилда республика
маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш
ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт
олдини олишнинг самарали
тизимини шакллантиришга
қаратилган асосий мақсадли
кўрсаткичлар (кейинги ўринларда -
мақсадли кўрсаткичлар).

Юқоридаги ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси ҳуқуқий асослари
таҳлилига асосан қуйидаги
муаммолар аниқланди:

*“Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни
(2014 й.) бўйича ҳуқуқий ва
институционал ислоҳотлар билан
уйғунлаштириш зарурати мавжуд,
шунингдек қонуннинг амалиётда*

самарасиз бўлиб қолаётган қисмлари
мавжуд (масалан, 35-моддада
белгиланган профилактик ҳисоб
тоифалари);

янги таҳдид ва хатарлар:
а) кибержиноятлар; б) радикализм;
в) ёшлар ўртасидаги
ҳуқуқбузарликлар пайда
бўлаётганлиги сабабли янги таҳрирда
замонавий профилактик ёндашувлар;
г) ахборот хавфсизлиги ва рақамли
мониторинг механизмларини назарда
тутиш лозим;

фуқароларнинг ҳуқуқий онгини
ошириш ва виктимологик
профилактика механизмлари
етишмовчилиги (масалан, жабрланиш
эҳтимоли юқори бўлган шахслар
билан ишлаш назарда тутилмаган).

Хулоса ўрнида таъкидлаш
жоизки, “Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси тўғрисида”ги
Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш:
а) амалий самарадорликни ошириш;
б) янги хатарларга жавоб бериш;
в) жамият хавфсизлиги ва инсон
ҳуқуқларини таъминлашни
мустаҳкамлаш; г) виктимологик ва
кибер профилактикани
ривожлантириш учун муҳимдир.